



Ислом Нури

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхұ айтади: «Исломни қабул қылғанимдан бери Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мени (хузурларига киришимдан) ман қилмадилар ва қачон мени күрсалар, юзимга таббасум билан боқар әдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра сертабассум бирон кишини кўрмадим» (Имом Термизий ривояти).

Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам то кун чиққунича бомдод намозини ўқиган жойларидан турмас эдилар. Кун чиққанидан сўнг турадилар, (саҳобалар) гаплашиб туришар, жоҳилиятдаги ишлар ҳақида гапириб кулишар, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳам табассум қиласардилар» (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

«Абӯ Зар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Биродаринг юзига табассум билан боқишишинг садақа, амри маъруф ва наҳий мункар қилишишинг садақа, адашиб қолган кишини йўлга солиб қўйишишинг сен учун садақа, кўзи яхши кўрмайдиган одамга кўз бўлишишинг сен учун садақа, йўлдан ахлат, тикан ва суюкни олиб ташлашишинг сен учун садақа, челагингдан биродаринг чепагига сув қуйиб беришишинг сен учун садақа» (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 572).

Шарҳ:

Биродарингиз юзига табассум билан боқишишингиз унинг қалбига етиб боришишинг ва унда сизга нисбатан бўлиши мумкин гина-адоватни кетказишнинг энг яқин йўлидир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон кишини мусулмон биродарига очик юзли ва табассумли бўлишга йўллаганлар ва унинг табассумини садақа деб атаганлар. У зот ўzlари асҳобларига табассум билан боқардилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:



Ислом Нури

1. Мусулмон кишининг юзига табассум билан боқиш суннат;
2. Биродарингиз юзига табассум қилишингиз сиз учун садака;
3. Кўп табассум қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифаларидан эди.